

4-1-2019

## DEVELOPMENT OF AGRO-INDUSTRIAL CLUSTERS IN UZBEKISTAN AND THEIR ROLE IN AGRICULTURAL DEVELOPMENT

T. Juraev

*Tashkent Financial institute*

M. Hamidov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Juraev, T. and Hamidov, M. (2019) "DEVELOPMENT OF AGRO-INDUSTRIAL CLUSTERS IN UZBEKISTAN AND THEIR ROLE IN AGRICULTURAL DEVELOPMENT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 12.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **DEVELOPMENT OF AGRO-INDUSTRIAL CLUSTERS IN UZBEKISTAN AND THEIR ROLE IN AGRICULTURAL DEVELOPMENT**

The article outlines the role of the cluster, in particular, agro-industrial clusters in the economy. The role of agro-industrial clusters in the development of agriculture in Uzbekistan is characterized by its features and trends.

**Key words:** cluster, agriculture, agro-industry cluster, integration, farm, competitiveness.

Under current globalization, integration processes take place at the level of the global economy, the national economy, and the various aspects of it. This process, in turn, requires a compatible communication system and infrastructure facilities.

At any level, integration processes can be realized through certain forms of business management. These transnational companies in the global economy are “clusters”, which include all manufacturers (service providers) linked to a “single technological chain” in the regional or cross-sectoral area involved in the creation of final products and services at the national level. Traditional methods of economic development, which do not provide sufficient efficiency and competitiveness, transition to innovative development require the introduction of new clusters of economic structures.

M. Porter, the founder of the theory of cluster, points out that the enterprises belonging to a network are dispersed in different countries and that they have the ability to gather in one country and in one particular region. When analyzing clusters in industry and other industries, the competitive advantage over non-cluster networks and the living standards of people in the regions where they are located are also high.

A group of American scientists, including M.Enrayt, S.Rezenfeld, P. Maskell, A.Marshall, M.Storper, and others, have a cluster-based system that combines academic, scientific, technological, economic, and other service activities in the region as well as ensuring the competitiveness of the manufacturers.

In the theories of John Duncan, K. Becker and other British scholars, the cluster is a system of co-operative institutions.

Clusters cover not only the real sector of the economy, industries and sectors, but also the social sphere (education, science).

Clusters are divided into two categories according to organizational-economic formats:

1. Clusters containing horizontally and horizontally located enterprises and farms participating in the production of a final product of a particular type.
2. Clusters that are closely interconnected geographically, with a set of companies, businesses, institutions and organizations that are interdependent.

In both forms of the cluster, economic entities that are part of it lose their economic and financial independence and retain only independence (service). Free

economic zones, innovation centers, logistics centers, free scientific and technical zones, scientific-production centers are the necessary conditions for the development of the cluster system.

Agro-cluster clusters are agricultural producers, manufacturers of industrial products, industrial enterprises of processing industry, network service (chemical, veterinary, seed-growing, breeding, science, etc.), commercial establishments engaged in the sale of final goods and various other economic infrastructure facilities.

In the current stage of economic development in our Republic, regional cotton-textile clusters play an important role in determining the development of the agro-industrial complex. The cotton-textile cluster covers not only light industry, but also dozens of industries, including agriculture, food industry, pharmaceuticals, construction materials.

One of the most rational and effective ways to build clusters in the light industry and textile system in Uzbekistan is not the national scale, but rather on the basis of the cluster's theoretical nature of regions - the region's particular socio-economic conditions.

Today, 100% of the production of non-destructive production facilities is being developed in the country, which is modern for the national economy, using the innovative cluster industry, in particular cotton-textile clusters, such as cotton processing - processing - finished goods. The fact that enterprises engaged in the production and sale of high quality products that correspond to international standards by cultivating cotton raw material in cotton-cluster clusters, cultivating land, sowing, cultivating, harvesting, processing and processing of primary products are one management system.

In short, the organization of agricultural production in the style of cotton-textile clusters allows to integrate the industry and introduce new innovative ideas into production. As a result, the most effective use of labor and material resources, the expansion of export opportunities, and the resolution of social issues. The agro-cluster clusters determine agricultural development and help farmers develop their products based on modern requirements.

In summary, agro-industrial clusters serve as a “driver” of economic growth for the country’s agricultural development. It provides the production of more value-competitive, export-oriented products, and enhances the competitive edge of individual enterprises. Agro-cluster clusters are one of the innovative ways to improve agricultural development and competitiveness of the country’s economy.

*(Full article is available in Uzbek)*

**Жўраев Т.Т.**  
**ТМИ “Иқтисодиёт назарияси”**  
**кафедраси профессори, и.ф.д.**  
**Ҳамидов М.Э.**  
**ТМИ магистранти**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

Мақолада кластер, хусусан, агросаноат кластерларининг иқтисодиётдаги аҳамияти ёритилган. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тараққиётида агросаноат кластерларининг тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш йўналишлари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** кластер, қишлоқ хўжалиги, агросаноат кластери, интеграция, фермер хўжалиги, рақобатбардошлик.

## **РАЗВИТИЕ АГРОПРОМЫШЛЕННЫХ КЛАСТЕРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

В статье изложена роль кластера, в частности агропромышленных кластеров в экономике. Роль агропромышленных кластеров в развитии сельского хозяйства Узбекистана характеризуется его особенностями и тенденциями.

**Ключевые слова:** кластер, сельское хозяйство, агропромышленный кластер, интеграция, фермерское хозяйство, конкурентоспособность.

### **Кириш**

Ҳозирги глобаллашув шароитида интеграцион жараёнлар жаҳон хўжалиги ва миллий иқтисодиёт даражасида ҳамда унинг турли бўғинлари кўламида рўй беради. Бу жараён ўз навбатида мос келувчи коммуникацион тизим ва инфратузилма муассасаларини тақозо этади.

Ҳар қандай даражада интеграцион жараёнлар хўжалик юриштишининг муайян шакллари орқали рўёбга чиқарилади. Жаҳон хўжалигида бу трансмиллий компаниялар бўлса, миллий иқтисодиёт даражасида пировард маҳсулот ва хизматлар яратишда иштирок этувчи ҳудудий ёки тармоқлараро кесимдаги “ягона технологик занжир” га боғланган барча ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) ларни ўз ичига олган “кластер” лардир.

Иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада самарадорликни ва рақобатбардошликни таъминлай олмаётган ҳозирги даврда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш янги иқтисодий тузилма “кластер” ларни жорий этишни тақозо этади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Кластер назариясининг асосчиси М.Портер рақобатбардош, бир тармоққа тегишли корхоналарнинг турли мамлакатларда тарқоқ жойлашганлигини, уларнинг бир мамлакат, қолаверса, маълум бир минтақада тўпланиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатган. Саноат ва бошқа тармоқлардаги кластерлар фаолияти ўрганилганда, кластер тизимидан ташқаридаги тармоқларга нисбатан рақобатда устунлиги ҳамда улар жойлашган минтақалар аҳолисининг турмуш даражаси ҳам юқорилиги аниқланган.

Бир гуруҳ америкалик олимлар, жумладан М.Енрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл, А.Маршалл, М.Сторпер ва бошқаларнинг кластер ҳақидаги назарияларида кластер - ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизим эканлиги ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатда устунлигини таъминлаши кўрсатилган.

Ж.Даннинг, К.Бримен ва бошқа британиялик олимларнинг назарияларида кластер - ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими эканлиги қайд этилган.

Мигранян А.А.нинг фикрича, кластер “иқтисодий фаолиятнинг нисбатан самарали ва бир-бири билан боғлиқ турларининг мажмуи, яъни муваффақият билан рақобат қилувчи ўзаро боғлиқ гуруҳлар тўплами бўлиб, тармоқ, миллий ва жаҳон бозорларида рақобатчилик вазиятини таъминлаб беради”.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инвестицион фаолликни ва жозибадорликни ошириш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг ўрни юқори эканлигини кўрсатади. Жаҳон экспертларининг таъкидлашича, кластер механизmidан фойдаланиш бугунги кунга келиб, дунёнинг етакчи мамлакатларида иқтисодиётнинг деярли 50 фоизини эгаллаган.

М.Портер ва М.Енрайтларнинг кластерлашган минтақалар корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1,5 баробаргача, иш хақи эса 30 фоизгача кўп бўлиши, ишлаб чиқариш ва илмий изланиш билан шуғулланадиган ходимларнинг меҳнатларини янада кўпроқ рағбатлантиришга ва рақобатбардош товарларни яратиш учун имтиёзли шароитларнинг мавжуд бўлиши каби кластер механизмининг устувор томонларини кўрсатишган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Кластерлар нафақат иқтисодийнинг реал сектори, тармоқ ва соҳаларини, балки ижтимоий соҳа (таълим, фан) ларни қамраб олади.

Кластерлар ташкилий-иқтисодий шаклига кўра икки тоифага ажратилади:

1. Аниқ бир турдаги пировард товар (хизмат)ни ишлаб чиқаришда қатнашувчи вертикал ва горизонтал боғлиқликда жойлашган корхона ва хўжаликларни ўз ичига олган кластерлар.

2. Географик нуқтаи назардан бир-бирига яқин жойлашган, ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқ бўлган компания, корхона, муассаса ва ташкилотлар мажмуини ўз ичига олган кластерлар.

Кластернинг ҳар иккала шаклида унинг таркибига кирган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини йўқотиб, фақат ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мустақиллигини сақлаб қолади.

Эркин иқтисодий зоналар, инновацион марказ (технополис)лар, логистика марказлари, эркин илмий-техникавий зоналар, илмий ишлаб чиқариш марказлари кластер тизимини ривожлантиришнинг зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади.

Агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, унга ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи, маҳсулотини қайта ишловчи саноат тармоғи корхоналари, тармоққа хизмат кўрсатувчи (кимёвий, ветеринария, уруғчилик, наслчилик, фан ва ҳ.к.) соҳалар, пировард маҳсулот сотишни амалга оширувчи тижорат муассасалари ҳамда турли бошқа иқтисодий инфратузилма объектларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга эътибор қаратилади”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” номли бандида фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш[2] ва бошқа муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Республикамізда иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида бутун агросаноат мажмуасининг тараққиётини белгилаб берувчи ҳудудий пахтачилик-тўқимачилик кластерлари муҳим ўрин тутди. Чунки пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз ичига қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.


Ўзбекистонда енгил саноат ҳамда тўқимачилик тизимида кластерларни шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақалар - вилоятлардаги аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитлар асосида, кластернинг назарий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётгани энг оқилона ва самарали йўллардан биридир

Мамлакатимизнинг Бухоро, Сирдарё ва Навоий вилоятларида кенг кўламда бошланган кластер тажрибаси бошқа вилоятларда ҳам шу тизимга тегишли объектларни барпо этиш билан давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиёти учун замонавий бўлган, саноатнинг инновацион тури кластер механизмидан фойдаланиш, хусусан, пахта-тўқимачилик кластерларида “пахта хомашёсини етиштириш - қайта ишлаш - тайёр маҳсулот” кўринишидаги 100 фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектлари ташкил этилмоқда. Чунки пахтачилик - тўқимачилик кластерларида пахта хом ашёсини етиштириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани экиш, етиштириш, йиғиштириб териб олиш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан халқаро стандартларга мос келувчи юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан шуғулланувчи корхоналар битта бошқарув тизимида бирлашади.

Республикаміз қишлоқ хўжалиги ва унга туташ тармоқларга хўжалик юритишнинг янги шакл ва усулларини кўллаш, сўзсиз бутун мамлакат иқтисодиёти ва, хусусан, унинг аграр тармоғининг кескин тараққиётига олиб келади.

Агросаноат кластерларининг, хусусан, пахтачилик - тўқимачилик кластерларини ташкил этиш қуйидаги мақсадларга қаратилган:



**1-расм. Пахтачилик – тўқимачилик кластерларини ташкил этиш мақсадлари[6].**

Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясида Ўзбекистон аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондирадиган ва юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларнинг ва янги мева-сабзавот экинларининг экспортига мўлжалланган юқори технологияли қишлоқ хўжалигини шакллантириш мақсад килинган. Буни қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин:

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ривожланиш ва унинг прогнози кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2017	2035
Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, млрд АҚШ доллари	8,3	35,7
Қишлоқ хўжалигида бандлик, %	29	12,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги, минг АҚШ доллари/иш билан таъминланганлар	2,2	15,6
Шўрланган суғориладиган ерлар улушининг камайиши %	48,6	15
Эрозияга тушадиган ерлар улушини камайиши, %	14,6	5
Алкогол маҳсулотлари экспорти, млн АҚШ доллари	21	80
Узумзорлар ўртача ҳосилдорли, тонна/га	4	10



Қишлоқ хўжалиги учун йиллик сув истеъмоли, умумий сондан %	90	70
Очин-тўқинликнинг тарқалиши, умумий аҳолининг %	6,3	0

Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўйилган мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- Минтақавий қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш;
- Юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотини экспортга йўналтириш;
- Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун 15-20 та марказ яратиш;
- Халқаро сифат стандартларини қабул қилиш ва бошқалар.

Мухтасар қилиб айтганда, пахтачилик-тўқимачилик кластери услубида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши тармоқнинг интеграциялашуви ва ишлаб чиқаришга янги инновацион ғояларни татбиқ этиш имкониятини беради. Бунинг натижасида эса меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий масалалар ҳал этилади. Зеро, агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалиги тараққиётини белгилаб, фермер хўжаликлари фаолиятини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга ёрдам беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Кластер тизими орқали ривожланиш қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилади:

- ишлаб чиқариш, инвестицион фаолиятни ривожлантириш ҳамда бандликни таъминлаш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар харажатларини камайтириш ҳисобига маҳсулотлар сифатини яхшилаш, пировардида эса товарлар рақобатбардошлигига эришиш;
- янги технология ва инновацияларни жорий қилиш ҳисобига минтақавий ва жаҳон бозорларида мамлакатнинг нуфузи ошиб, рақобатбардош бўлиши таъминланади.

Умумий хулоса қилиб айтганда, агросаноат кластерлари мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун иқтисодий ўсишнинг “драйвери” вазифасини бажаради. У қўшимча қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди ҳамда алоҳида корхоналарнинг рақобатдаги устунлигини кучайтиради. Агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалиги тараққиёти

ҳамда мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлик даражасини оширишнинг инновацион йўлларида бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. Т: “Маънавият” 124-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи”. 2017 йил 8 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2978-сонли Қарори.
4. “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 744 сонли қарори. 2018 йил 19 сентябрь.
5. Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: “Zamin Nashr” нашриёти, 2018 й. 164 б.
6. Маматов А.А., Жўраев Т.Т. Пахтачилик – тўқимачилик кластери аграр соҳани инновацион ривожлантириш омили// “Молия” илмий журнали №6, 2018 й. Б 58.